

---

## Янги оилавий поликлиника фойдаланишга топширилди

Фурқат туманида янги 70-сонли оилавий поликлиника фойдаланишга топширилди.

"Чекчувалдоқ" маҳалласида жойлашган оилавий поликлиника "Обод қишлоқ" дастури доирасида қайтадан мукамал таъмирлаш учун 3 млрд 200 млн сўм марказлашган маблағ ҳисобига қайтадан мукамал таъмирланиб, замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

Буткул янгича қиёфа касб этган муассасанинг бугунги очилиш маросимида туман ҳокими Жаҳонгир Жуманов, маҳалла нуронийлари, тиббиёт ходимлари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ушбу оилавий поликлиника бир вақтнинг ўзида "Чекчувалдоқ", "Ғунча", "Полвонтош" ва "Шўр" маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолиси (қарийб 13 294 нафар фуқаро)га, тиббий хизмат кўрсатади.

Шунингдек поликлиникада оила шифокори ва педиатр, хирург, акушер-гинеколог, стоматолог каби тор соҳа шифокорлари томонидан малакали тиббий хизмат кўрсатилиши билан бир қаторда ижтимоий дорихона фаолияти ҳам йўлга қўйилди.

2023-07-06 16:42:07